# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ**

## “ МИЛЛИЙ ҒОЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ, ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР” МАВЗУСИДАГИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими йўналиши битирувчи 4 – босқич талабаси СУВОНОВ З..

Илмий раҳбар: доцент МУХАММАДИЕВА О. М.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

______ сонли баённомаси ”_____” ______________2013 йил.

**ТОШКЕНТ – 2014**

**МУНДАРИЖА:**

**КИРИШ.......................................................................................................**

**I – БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ: МОҲИЯТ ВА ЎЗИГА ХОСЛИК.**

1.1. Миллий ғоянинг шаклланиш ва ривожланиш қонунияти….

1.2. Ўзликни англаш ва миллат маънавий бирлашувида миллий ғоянинг ўрни.........................................................................................................

1.3. Миллий ғоя - мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққитё омили

**II – БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ҒОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШДАГИ РОЛИ**

2.1. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятининг ҳуқуқий асослари ………………………….22-33

2.2. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятида фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини юксалтириш вазифалари

2.3. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг ёшларни маънавий камол топтириш вазифалари......

2.3. Бугунги ахборотлашган жамиятда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг олдида турган муаммолари……………………

**ХУЛОСА………………………………………………………………**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.............**

# КИРИШ

“...бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади”

*И.А.Каримов*

**Мавзунинг долзарблиги:** XXI асрнинг бошида инсон қалби ва онги учун кураш ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани, дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб бораётгани, геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг қўшилиб бораётгани, мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бораётгани ҳамда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашиши бугунги кунда барча давлат арбобларидан тортиб, ўзини ватанпарвар ҳисоблаган инсонларни фикрлашга мажбур қилди.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларникучайтиришни тақозо этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга

садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугун миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқ жоизки, фуқаролар руҳияти, тафаккурида ўзгариш бўлмас экан, тараққиёт ҳақида гапириш мушкул. Руҳият ва қарашлар ислоҳ қилинмас экан, янги давлат ва жамият барпо этиш ғояси ҳам самарасиз бўлади. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов шундай дейди: “Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларни ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни ўзгартириш мумкин[1].

Ҳар бир киши ўзи яшаётган жамият ва давлатнинг аниқ бир тарихий даврида ўз олдига қўйган мақсадини ифода этадиган ғояларни билиши, аниқ тасаввур этиши керак, шунда бу мақсадлар ифодаси бўлган ғоялар унинг онги ва қалбидан жой олади, аста-секин ишонч, эътиқодга айланади. Ишончу эътиқодсиз инсон ўз йўлини, мақсад ва манфаатларини чуқур англаб етмайди. Эътиқод мустаҳкам бўлса, инсон ғоя, эзгу мақсад йўлидан чекинмай одимлайди. Миллий ғоя одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги учун асос бўлади, кучли маънавий руҳий омилга айланиб, тараққиётга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб, энди мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

---

[1]Каримов И. Асарлар тўплами. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти. 1996 йил.96-бет

Бу муаммо ҳозирги кунда ўзининг нафақат илмий-назарий, айни пайтда миллий ғоя ва мафкурани ўқитишда, бунёдкор ғоя ва мафкураларни инсонлар қалби ва онгига сингдиришда мафкуравий воситаларнинг тутган ўрни масаласи ҳам ҳар томонлама таҳлилу-тадқиқни талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу масала билан шуғулланадиган алоҳида тарғибот маркази, яъни, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг ташкил қилиниши бу борада олиб бориладиган ишларнинг янада самарали амалга ошишига имкон бермоқда.

Шу боис, танланган муаммонинг долзарблиги, бизнингча, қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади.

**Биринчидан:**XX аср якуни инсоният тарихида турли хил маънавий таҳдидларнинг, хуружларнинг кучайиши мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Булар инсонлар қалби ва онгига тез кириб кела бошлади. Бу эса миллий ғояга бўлган эҳтиёжни кучайтирди.

**Иккинчидан:** халқаро муносабатлар мазмунини белгилаган икки қарама-қарши куч – социализм ва капитализм ўртасидаги ўзаро курашнинг барҳам топиши натижасида пайдо бўлган икки дунёқараш ўртасидаги кураш турли хил кучларни бирлаштирган кўп қутбли дунёнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу ҳолат эса мафкуравий бўшлиқни келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам миллий бирлик ва ижтимоий тараққиётга завол бўладиган ғоялар ва таълимотлардан воз кечиш, уни миллий ғоя билан тўлдириб, мафкуравий воситалар ёрдамида миллий ўзликни англаш, миллий ғояни халқ онгига сингдиришни янада кучайтириш зарурати туғилди.

**Учинчидан,** миллий ғоя ва мафкурани халқ орасида тарғиб қилишда алоҳида миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг тузилиши мустақил Ўзбекистонда плюрализмнинг қай даражада амалда эканлигини кўрсатиб беради.

**Муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси:** Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан тақдим этилган ўқув-

услубий қўлланмалар, рисолалар, плакат ва тақдимот материаллари кенг халқ оммаси томонидан,ўқувчи ва талабалар, тадқиқотчилар томоинидан ўрганилади, фойдаланилади. Аммо, деярли ушбу масала бўйича алоҳида тадқиқот иши олиб борилмаган. Магистр ва бакалавр ихтисосликлари бўйича битирув малакавий ишини ёзадиган талабалар бу марказ фаолияти ва вазифалари ҳақида ўз тадқиқот ишларига киритиб борадилар.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари:** миллий ғоя ва мафкуранинг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази(кейинги ўринларда "Марказ" деб юритилади) фаолиятини, вазифаларини, тажриба ва муаммоларини ҳамда унинг бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётидаги ўрнини ўрганиш ва уни миллий ғоя тарғиботидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш.

**Битирув малакавий ишининг объекти:** Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг шаклланиш жараёни, унинг миллий ғоя ва мафкурани тарғиб қилиш, ҳамда ривожлантиришдаги ўрни. Миллий ғоя тарғиботининг ижтимоий тарихий зарурати;

**Битирув малакавий ишининг предмети:** Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази муайян бош ва асосий ғояларни инсонлар иймон-эътиқоди ва халқ оммаси маслагига айлантиришда асосий восита ҳамда ижтимоий институт эканини далиллаш;

**Битирув малакавий ишининг методологик асоси:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари, Қарор , фармон ва фармойишлари, 2006 йил 25 августда чиқарилган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ПҚ-451-сон Қарори, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисоботлари, марказ ҳақидаги фуқароларнинг фикрлари тадқиқотимиз учун назарий ва методологик асос бўлди.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти:** Марказ томонидан амалга оширилаётган фаолиятнинг миллий ўзликни англаш,

ижтимоий тараққиёт ва инсон камолоти йўлида олиб борилаётган барча соҳадаги тадбирларни янги мазмун билан бойитиш ва назарий-амалий салоҳиятини янада оширишга ҳизмат қилади.

# I БОБ.МИЛЛИЙ ҒОЯ: МОҲИЯТ ВА ЎЗИГА ХОСЛИК.

## 1.1.Миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши қонуний жараён эканлиги

Инсон тафаккурига таянган фан тараққиёти олам каби узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда тасдиқланмаган, эскирган фикрлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Миллатлар ташкил топган даврлардан, миллий ғоя ва мафкуралар энг долзарб, сиёсий-ижтимоий, маънавий масала ҳисобланиб, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, оммани маънавий руҳият жиҳатдан тарбиялашга катта ҳисса қўшган[2].

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)” китобида: “Мафкура – муайян ижтимоий гурух, катлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва максад-муддаолари ифодаланган гоявий-назарий карашлар ва уларни амалга ошириш тизими.. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва катламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истикболи уз ифодасини топади”[3], – дея мафкурага бирқадар тўлароқ таъриф ва тафсив берилган. Чунончи, биринчидан, мафкура ижтимоий ҳодиса сифатида тарихан барча жамиятларда бўлганлиги эътироф этилади. Иккинчидан, мафкурага муайян ғоя асос бўлиши тан олинади. Мафкура асосида бунёдкор ғоянинг бўлиши туфайли, у “ижтимоий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишга сафарбар этади”, бордию, мафкура вайронкор ғоялар асосида шаклланса, унда “жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади”. Бироқ, бу китобда мафкурага таъриф берган муаллиф ҳам мафкурани фақат “ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш

[2] Рахимов С., Машарипов И. “Миллий истиқлол ғояси” . “Иқтисод-молия” - Т.: 2005 йил.12-бет
[3]Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Янги аср авлоди» 2004 йил.2-бет

тизими”дан иборат қилиб қўйган. Холбуки, ҳар қандай мафкура ғоявий-назарий қарашларни ҳар бир индивид онгига етказувчи, ҳар бир индивидни унинг ҳақлигига ишонтира олувчи, ўша ғояларга эътиқод сингдириш механизми ҳам эканлигини назарда тутиш керак, албатта.

Журналист ва сиёсатшунос Нарзулла Жўраевнинг фикрича, “Миллий ғоя – миллий онг ва анъаналар, турмуш тарзи асосида шаклланади, умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган миллий манфаат атрофида онгли равишда ақл-идрок йўриғи билан жипслашган ғоягина миллий мафкурага айланади”[4].

Адабиётшунос олим Султонмурод Олим “Миллий мафкура – моҳиятан миллий ғояга етиш йўли. Миллий ғоя назария бўлса, миллий мафкура амалиёт ёки миллий ғоя – стратегия, миллий мафкура – тактика”[5] деган нуқтаи назарда туради.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқот объекти қилиб олганлар ҳам, миллий мафкурага муайян қарашлар, ғоялар тизими ёки мажмуаси сифатида ёндашадилар.

Кейинги йилларда бу соҳада билдирилган турлича фикрларни маълум маънода синтези ҳисобланган Абдувоҳид Очилдиевнинг фикрича, миллий мафкура ҳақида шундай таъриф берилади: “Миллий ғоя миллий ҳаётни уюштириш, миллатни бирлаштириш, унинг истиқболини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, миллатни миллат сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишига хизмат қиладиган ва демакки, ўзга миллат ва элатларни ўзига хос эҳтиёжларига ҳам ҳурмат руҳи билан суғорилган ғоявий назарий қарашлар тизимидир”[6].

Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб

---

[4]Жураев Н. Мафкуравий иммунитет. Т., «Маънавият» нашр., 2000 йил.5-бет
[5] Султонмурод Олим. Миллий мафкура – халк таянадиган куч. Т., «Маънавият» нашр., 2000 йил.5-бет
[6] Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Автореферат, Т., 2004 йил.

кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу – интилиш ва умид – мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун – моҳиятини ифода қилга бўламиз[7].

Истиқлол қўлга киритилганданкейинги ўн йилликда миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва  ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Шу мақсадда ижтимоий фанлар соҳасидаги етакчи олимлар, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик эътиборини ана шу муҳим масалага қаратилди. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзлаган юксак мақсадларимизга етишнинг асосий омили – авваламбор,  мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйилди ва бу борада бир қанча  эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Табиийки,  миллий ғоя шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган  юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида  бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда. Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олийжаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови – бу тинчлик ва осойишталикдир. Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки

[7] И.Каримов  “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият” нашри, 2008 йил. – 71-бет.

маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз.

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва  муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг  инсонпарварлиги  ҳам  биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз.

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади.

Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий  ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизнинг зиммасидаги  юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфатдор бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча – Ватан равнақи ва фаровонлик масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас.

Ана шундай мантиқий хулосадан келиб чиққан ҳолда, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир.

Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уй-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун юртимизда барча асослар – табиий бойликлар, унумдор ер, катта иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий ғоямизга қайси томондан таъриф ва баҳо бермайлик, халқимизни бирлаштирадиган бу олий мақсадлар асрлар давомида унинг юрагидан, қалбидан жой олиб келган орзу-умид ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно – моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, “миллий ғоя” деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, мана шу табаррук диёримиз – Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг

маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида урғу бериб айтишни жоиз деб биламиз.

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу.

Академик Эркин Юсупов ғоя ва мафкура умуман инсоният жамияти ва унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда шаклланишини таъкидлаб, миллий ғоя ҳақида бундай фикр билдиради: “Миллий ғоя – этник илдизлари, тарихи, тили, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, қадриятлари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган қондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йўналтириб турувчи руҳий омилдир»[8].

Homa sapiens – яъни миясида ривожланган нутқ маркази шаклланган ва фанда ақлли одам номи билан юритиладиган, ҳозирги физиологик тузилишига ва ақлий салоҳиётига эга бўлган индивидлар том маънода жамият бўлиб яшашга ўтгач, маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида фаолият йўналишини белгилаш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолди. Олам ва унда одамнинг ўрни нималигини англаб олиш учун борган тарихий изланишлар натижасида дунёнинг турли мамлакатлар, минтақаларида дастлаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда методологик дунёқараш ўзига хос шаклларда вужудга келди. Бироқ, унинг асосида дунёда кўзга кўринмас сеҳрли кучлар борлиги,

---

[8] Юсупов Э. Миллий гоя ва мафкура: мохияти, ижтиомий-тарихий илдизлари, ахамияти. Чимкент. 2001 йил.37-бет

улар билан руҳий алоқа ўрнатиш орқали одамлар ўз тақдирларини яхшилашлари мумкин деган ғоя ётади. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳам жамият ўз ички қонунлари билан ривожланишини исботлайди. Фақат муайян тарихий даврдаги жамиятнинг ақл-заковатли кишилари етилган ижтимоий эҳтиёжларни ифодалайдиган, одамларни жамият бўлиб яшашларига йўл очадиган ғояларни илгари сурадилар. Бу ғоялар ўз ҳолича одамлар ишончига айланиб қолмайди, балки ҳар бир давр, ҳар бир мамлакатда тўпланган тарихий тажрибалар, турмуш тарзи ва анъаналари асосида уларга ишонч руҳи мафкура воситалари, йўллари, услублари орқали сингдирилди. Натижада маълум дунёқарашларни ифодаловчи Бош ва асосий ғояларга ишонган, эътиқод қўйган кишилар шу ғоялар атрофида бирлашиб, жипслашиб ўз мақсадларига эришиш учун курашадилар.

XXI аср илм-фан ва у билан бирга техника ва технология беқиёс ривожланган давр бўлади. Жамиятда демократик давлатлар, фукаролик жамиятлари кўпайиб бориб, индивидуал эрк ва ташаббускорликка ижтимоий эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундай шароитда фақат диний қадриятлар орқали миллий манфаатлар ва эҳтиёжларни англаш қийин. Шунинг учун барча демократик давлатлар ўзи асосий қонунларида гражданларни виждон эркинлиги бериш тўғрисидаги ғоялар ўз ифодасини топган. Демак, ҳозирги замон жамиятларида илмий-фалсафий дунёқараш ифодаси бўлган ғояларга ишонч руҳи майл бўлиб турибди. Бундан буёнги ижтимоий тараққиёт илмий-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда рўй беради. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон мафкуралари негизида илмий-фалсафий ғоялар ва уларга индивидларни ишонтириш руҳи устивор бўлиб бормоқда.

Ҳозирги даврда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун кураш миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси сифатида талқин этилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг асарларида илгари сурилган ва аниқ равшан ижтимоий мақсадлар ифодаси бўлиб бу ғоянинг ҳақлиги индивидларда ишонч руҳини қарор топтириш, бу жараёнда ушбу ғояни халқ оммаси

маслагига айлантириб, қудратли ижтимоий ҳаракатни юзага келтириш, миллий истиқлол мафкурасида устувор йўналиш бўлиб турибди.

Нега айнан қатор ижтимоий мақсадлар ифодаси бўлган ушбу ғоя бош устувор бўлиши назарда тутилмоқда? Бизнинг фикримизча, ўзбек ва қорақалпоқ миллатларидан ташқари Яна 130 дан ортиқ бошқа элат намояндалари Ўзбекистонни ўз ватанлари деб ҳисоблашади. Бинобарин, уларнинг барчаси шу мамлакатни озод бўлиши, чет давлатларга қандайдир шаклда қарам бўлиб қолмаслигидан манфаатдордир. Фақат мамлакат озодлиги шароити муҳитидагина улар ўз ватанлари деб билган Ўзбекистон обод бўлишини англайдилар. Обод Ватан шу жойда яшаётган барча кишиларни маромли турмуш кечиришлари учун кафолатдир. Эркинликни, фаровон турмуш кечиришни қўмсовчи биронта ҳам одам топилмаса керак. Зеро, фақат умумий эркинлик ва фаровонлик шароитидагина ҳар бир одам баркамол шахс бўлиб шаклланиши мумкинлигини билади. Демак, айнан республикамизда ҳозирги тарихий шароитда юқоридаги ғоя бош устувор ғоя бўлиши бу – мамлакатда яшаётган барча миллат намояндалари учун тушунарли бўлиб, уларни умумий ижтимоий мақсадлар сари жипслаштирадиган, бирлаштира оладиган ғоя ҳисобланадики, миллий мафкура воситалари, йўллари, услублари орқали бу ғояга ишонч руҳи индивидларга сингдирилмоқда. Эндиликда шу йўналишда ғоявий таъсир кўрсатиш, индивидларда миллий истиқлол ва тараққиётга зид бўлган бегона ғояларга қарши курашда миллий мафкура самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Ватан равнақи ва юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик – миллий истиқлол мафкурасини асосий ғоялари сифатида талқин этилмоқда. Масалани айнан шу тахлитда қўйилиши фақат ижтиомий мақсадни ифодалайди ва аслида бош ғояда илгари сурилган мақсадларни маълум маънода такрорлайди. (Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги,

миллатлараро хамжихатлик, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун кураш ғояси юқоридаги мақсадларни ўз ичига қамраб олади).

Масалага социологик асосда эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт учун курашни соф миллий ғоя деб бўлмайди. Чунки, Ватанини озод ва обод ҳолда кўришни истамайдиган, шу мақсад учун курашмайдиган жаҳонда биронта миллат топилмаса керак. Сўнгра, эркин ва фаровон ҳаётни қўмсайдиган, бинобарин, шунинг учун курашмайдиган миллатни миллат деб бўлмайди. Бу фикрлардан шундай мантиқий хулоса келиб чиқадики, бугунги тарихий вазият тақазоси билан миллий истиқлол мафкурамиз учун танлаб олган бош ғоямизда умуминсоний, умумбашарий ижтиомий мақсадлар етакчи ҳисобланади. Президент Ислом Каримовнинг фикрича, “одамларни минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни пайтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва уни дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида кўприк бўлишга қодир бўлган”[9]ғоягина маънавий куч сифатида қарор топади.

Шундай қилиб, юқоридаги билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики: “Миллий ғоя  турли синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларидаги умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни, халқнинг орзусини акс эттирувчи ғоядир. Ушбу сифатда у миллатнинг жипслигини таъминловчи, ўзлигини англатувчи маънавий омилдир.[10]

## 1.2. Миллий ғоянинг ўзликни англаш ва миллат маънавий бирлашувидаги ўрни

Эркин фуқаролик жамиятига  дунёдаги кўпдан-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира

[9]Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил. 420-бет
[10]Рахимов С., Машарипов И. “Миллий истиқлол ғояси” . “Иқтисод – молия”  - Т.: 2005 йил.8-бет

бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга тадбиқ этишимиз лозим.[11] Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.

Дарҳақиқат, халқ ва миллатнинг куч-қудрати, обрў-эътибори сон билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуклиги, миллий онги ўсганлиги, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий ҳамжиҳатлиги билан белгиланади. Буни Европа ва Осиёнинг қатор илғор мамлакатлари ва халқлари мисолида кўриш мумкин. Ўзининг бир неча минг йиллик тарихини, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, қадриятларини яхши билган, улардан руҳий куч-қувват оладиган, ўтмиш тарихи, насл-насаби билан мағрурланиб, қаддини тик тутиб, бошини баланд кўтариб юрадиган, фикри чақмоқдай ўткир, ақли етук, тафаккури кучли халқ ва миллатни босиб олиб қул қилиш, асоратга солиш мумкин эмаслигини мустамлакачи мамлакатлар яхши билишган.

Ўзининг тарихий мероси, анъаналари, қадриятларидан бебаҳра бўлган халқ манқуртлик ҳолатига тушади, ўз қадр-қимматини унутади, тарихдан тегишли сабоқлар чиқариб олмайди. Куч-қудрат, миллий бирлик, аҳиллик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда эканини эътиборга олмайди,лоқайдлик, парокандалик, миллий низо ва адоват мамлакат тақдирини хавф-хатар остида қолдиришини, бундай ҳолатлардан ажнабий босқинчилар устамонлик билан фойдаланишлари мумкинлигини эътиборга олмайди. Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, неча-неча бор таъкидлаганидек, барча босқинчилар бирор мамлакатни босиб олиб ҳукмронлик қилиш, халқни мустамлакачилик исканжасида ушлаб туриш, бойликларини истаганча талаш

---

[11] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том, Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.304-бет

учун унинг маданиятига, маънавиятига тажовуз қилганлар, миллий онги ўсишига, миллий ўзлигини англашига йўл бермаслик учун тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатганлар.

Маданиятни, маънавиятни барбод этиш, миллий тил, миллий онг ривожланишига йўл бермаслик, оммани сиёсий қарамлик, манқуртлик ҳолатида ушлаб туриш мазлум халқларни жиловда сақлашининг энг нозик йўлларидан бири эканлигини ўлкамизни зўравонлик йўли билан босиб олган чор амалдорлари жуда яхши билардилар. Шунинг учун ҳам улар бу масалага жиддий эътибор беришган. Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор мустамлакачилари ҳам бу соҳадаги амалий ишини Туркистон халқининг асрий тарихи, маданияти, урф-одатларидан жудо қилишидан, ерли аҳолини руҳан-маънан майиб қилишга киришишдан бошладилар. Бу бежиз эмас эди, албатта. Балки чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштирилган сиёсат эди. Ана шу сиёсатнинг заминида бир томондан, мустамлакачилар ҳукуматинининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ошкора ҳимоя қилиш турган бўлса, иккинчи томондан, Туркистон халқларини, унинг катта бир қисмини ташкил этган ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб, ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболини кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантириш муддаоси ҳам турарди.

Президетимиз айтганларидек, ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб, одамлар онгини кенг миқиёсида заҳарлар эди. Уларнинг миллат ва диний туйғуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожеасига айланиб қолган эди.

Бугун барчамизга аёнки, ҳақ-ҳуқуқларимизни, тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз ва қадриятимизни билишга, миллий ўзлигимизни англаб олишимизга қарши қаратилган қатағончилик сиёсатига абадий чек қўйилди.

Миллий ўзликни англашни тиклаш – давлатимиз сиёсатида асосий масала сифатида ўртага қўйилди.

Ўз миллатининг ҳақиқий тарихини англаган, тарихий хотирага эга бўлган кишиларда миллий ўзликни англаш ва миллат шаънини ҳимоя қилиш майли кучли бўлади. Президент Ислом Каримовнинг "ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади" деган муҳим ғояси илгари сурилган. Бу бежиз эмас, албатта.Дарҳақиқат,халқнинг ҳақиқий, том маънодаги тарихини яратмасдан туриб, мустамлакачилик азоб-уқубатлари туфайли тараққиётдан орқада қолиб кетган миллатларнинг миллий онгини, миллий тафаккури ва миллий ғururини юксалтириш, миллий ўзлигини англашни тиклаш амримаҳолдир.[12]

Ҳозирги даврда муайян эътиқодли, аниқ орзу-умидли ва эзгу ниятли, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган, ватани бурчига содиқ билимдон фуқароларсиз ижтимоий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун тарбияланаётган ёш алоднинг билим даражаси, маданий-сиёсий савияси, хулқ-атвори, тафаккури ва тарихий онги умуминсоний қадриятларга мос келадиган бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Чунки инсон мавқеи жамият моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс камолотининг асосий манбаи ҳисобланади.

Маълумки Ислом Каримов ватанимиз тарихига янгича ёндашиш, унинг турли хил жараёнлари ва воқеаларига адолатли баҳо бериш, қадимги даврдан то бизнинг замонамизгача бўлган бой тарихий ўтмишимизга аниқ ёндашиб ўрганиш, тадқиқ этиш зарурлигини кўндаланг вазифа қилиб қўйган.

Фикримизча, тарихий воқеаларни чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиб, замон талабига жавоб берадиган, Ватанимиз тарихини, янги ўқув қўлланмалар ва дарсликларни яратиш учун, энг аввало тарих фалсафасига оид бўлган илмий-назарий масалаларни, методологик муаммоларни яхши

[12]Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" . Т., "Ўзбекистон" нашриёти. 1997 йил. –6-бет

англаб олишимиз керак. Бу борада “биринчи навбатда тарихни холисона ўрганиш керак”[13]

Ўтмишни билиш – ўз навбатида ўзликни англашнинг калитидир, чунки ўзликни англаш тарихдан бошланади. Ўзликни англаш дегани нима?

*Ўзликни англаш:*

Биринчидан: инсон моҳияти;

Иккинчидан: унинг жамиятда ва ижтимоий тараққиётда тутган ўрни;

Учинчидан: унинг ички имкониятлари, қобилиятлари нимага қодир эканлигини англаб олиш демакдир. Бунга эришиш учун – биз инсоннинг узоқ ўтмиш фаолиятида нималарга эришганини билишимиз зарур.

Демак, тарих – бу инсон фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган, унинг ҳар томонлама ўрганиб, ўтган авлодлар тажрибасини таҳлил этадиган ва илмий хулосалар чиқарадиган фан соҳасидир. Шунинг учун ҳам тарих фани ҳамма вақт жамият тараққиётида катта ўрин эгаллаб келган, ҳозир ҳам шундай бўлмоқда.

Академик Ж.Туленов “ўтмиш, бугунги кун ва келажак доимо ўзгаришда, ҳаракатда бўлиб турган воқеликнинг фазодаги маълум бир кўринишидир. Тарих ғилдираги доимо ўтмишдан бугунги кунга, ундан келажакка қараб айланиб кетаверади. Бугунги кун ўтмишнинг инкори, айни вақтда унинг давоми ҳамдир. Шунинг билан бир қаторда бугунги кунда келажак куртаклари ҳам мавжуддир, чунки келажак бугунги кундан келиб чиқади”[14]– деган фикрлари ўринлидир.

Халқимизнинг энг олий мақсадларини, уларнинг орзу-истакларини акс эттиришда, уларга эришиш йўлида жамият аъзоларини бирлаштирадиган, уларни куч-ғайратларини ана шу мақсадларини сафарбар этишда миллий ғоянинг ва миллий мафкуранинг ўрни бениҳоя каттадир.

---

[13]Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З., “Маънавий юксалиш сари”. “Меҳнат” нашриёти – 2000 йил.–35-бет

[14]Туленов Ж. (ҳаммуалифликда) “Маънавий юксалиш сари” Т.: - “Меҳнат” нашриёти, 2000 йил. – 47-бет

Миллий ғоя бугунги кунда мамлакатимизнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга, жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан камолотга етказиб беришга хизмат қиладиган қудратли кучга айланди.

Бугунги жадал суратлар билан ўзгариб бораётган замонда, ғоявий ва маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган даврда миллий ғоя ва маънавий ҳаётни узвий равишда боғлиқлигини кучайтириш тарихий заруриятдир.

Мафкура полигонлари ядро полигонларидан устунлик даражасига эришган ва ғоявий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда миллий ғоянинг ролини ошириб бориш ва уни маънавий ҳаётни юксалтиришга сафарбар этиш Президентимиз олиб бораётган сиёсатда алоҳида ўрин тутмоқда. Миллий ғоямизнинг жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги роли кундан-кунга ортиб бормоқда.

Мафкуравий ва маънавий таҳдидларнинг асл мақсади нима эканлиги ва уларнинг маънавий ҳаёт учун қандай хавфлар келтириб чиқариши устида гапириб Президентимиз Ислом Каримов шундай фикрларни айтиб ўтадилар: "Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж–бумиллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англайди.[15]

Миллий ғоя жамият маънавий ҳаётини юксалиб бориш замини бўлиш билан бирга у маънавиятимизни эзгу мақсадлар йўлида енгилмас кучга айланишини таъминлаб беради.

Миллий ғоясиз ва юксак маънавиятсиз одамлар, жамият ва давлат йўлини йўқотади. Миллий ғоя жамиятни юксалтириш ва маънавий етукликка

---

[15]И.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч". Т.: "Маънавият" нашри, 2008 йил.–14-бет

эришиши йўлидаги, жамият аъзоларини Олий мақсадлар сари етаклаб борувчи байроқ мисолидир. Миллий ғоя халқни, миллатни бирлаштиради. Жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий камолотга эришишини таъминлаб беради. Миллий ғоя жамиятнинг ҳар бир аъзосини юксак маънавият белгиларидан ҳисобланган ватанпарварлик, фидойилик сингари фазилатларини шакллантириб беради. Уларни Озод ва обод Ватанни яратиш йўлига сафарбар этади. Миллий ғоя маънавий ҳаётини юксалтириш йўлидаги олижаноб вазифаларни бажариш билан бирга жамиятнинг ҳар бир аъзосида эртанги фаровон ҳаётимизга ишончни шакллантириб беради. Юксак маънавиятни шакллантириш йўлида, мамлакатимиз куч-қудратини ошириш йўлидаги хизмат қиладиган миллий ғоя ҳақида гапириб Президентимиз шундай дейдилар: «… у Ватанимизнинг шонли ўтимиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак»[16][8.92].

Миллий ғоя жамиятимиз аъзоларини бош ғояси бўлган Озод ва обод Ватанни яратиш, эркин ва фаровон яшаш орзусига садоқат руҳида тарбиялаб боради.

Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтиришга хизмат қиладиган фазилатларни шакллантириб бериш билан бирга турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасидаги ҳамкорликни, миллатлараро тотувликни ва умумтараққиёт йўлидаги жипслашувни таъминлаб беради. Миллий ғоя Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларнинг тилидан, эътиқодидан жинсидан қатъий назар барча Ўзбекистонликларнинг манфаатларини ифодалай билиши керак. Миллий ғоя ҳар бир шахснинг ўзлигини эркин намоён этишга, маънавий камолотга эришиш йўлида шарт-шароит бўлиб

---

[16]И.Каримов.“Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз”. 7-том, Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.

хизмат қилиши лозим. Миллий ғоя жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалишига тўсиқ бўлувчи турли иллатларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир. Миллий ғоянинг жамият ҳаётини юксалтиришга хизмат қиладиган етук авлодни тарбиялаб беришдаги ўрни ҳам бениҳоя каттадир. Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири баркамол авлодни, комил инсонни тарбиялашдир.

Миллий ғоя жамиятнинг ҳар бир аъзосини ёвуз ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраб қолиш билан бирга уларни соғлом фикрлашга улғайиб келаётган ёшларни ўз халқи ва Ватани равнақи йўлида вояга етишини таъминлаб беради. Бугунги кунда жамият аъзоларини айниқса Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларни онги ва қалбини заҳарлашга интилаётган, жамиятимизнинг маънавий ҳаётини парокандалик ҳолатига туширишга ҳаракат қилаётган маънавий таҳдидлар мавжуддир. Мана шундай маънавий таҳдидларнинг олдини олишда Миллий ғоя катта роль ўйнайди. Маънавий ҳаётни юксалиб боришига тўсиқ бўлувчи маънавий таҳдидлар тўғрисида гапириб, Президентимиз Ислом Каримов яна шундай фикрларни илгари сурадилар: “Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан топишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда.

Маънавиятга таҳдидларнинг олдини олишда юксак маънавиятга эришиш йўлида миллий ғоянинг тутаётган ўрнини ва бажараётган вазифаларини қуйидагиларда кўриб ўтсак бўлади.

-Жамият аъзоларининг дунёқарашларини бойитиш, уларга чуқур билим бериш, тафаккур эркинлигини шакллантириб бориш;

-Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Олий мақсадларга элтувчи тараққиёт моделини асослаш, юксалиш сари интилиб бораётган жамиятимизда маънавий шахс қандай бўлишини ҳам мантиқий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб бериш;

-Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириш йўлида тарбиявий вазифаларни ҳам бажариб бориб, у жамият аъзоларида ахлоқий, ҳуқуқий ва эстетик меъёрларни юксалтириб боришни таъминлаб беради.

-Миллий ғоя миллий жипсликни таъминлаб бериш билан бирга ҳар бир миллатнинг маданий манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Миллий ғоя маънавий жиҳатдан етук бўлган баркамол инсонларни вояга етказиб борар экан, у инсон маънавиятига хос эканлигини асослаб беради. Бугунги жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган даврда Миллий ғоянинг олдига муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифалар юклатилмоқда.

Миллий ғоя ҳеч қачон назарий тафаккур натижаси бўлиб қолиши мумкин эмас. У ҳар бир шахснинг маънавий эътиқодида, амалий фаолиятида намоён бўлиши билан бирга маънавий ҳаётни юксалтирувчи омил бўлиб қолиши керак.

Миллий ғоя жамият аъзоларининг онги ва қалбига маънавий ва тарбиявий ишлар бирга, сингиб бориш билан бирга, у кишиларда бирлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, фаоллик, фидойилик шаклларида намоён бўлади.

Миллий ғоянинг маънавий ҳаётдаги аҳамияти онглилик, бирлик ва бирдамлик шаклларида намоён бўлади.

Маънавий етук инсонлар миллий ўзликни англашга таяниб, муайян этник бирликка мансубликни, унинг олдидаги бурч ва масъулиятни англай олади. Миллий ғоя миллий тарбия анъаналарига катта эътибор берган ҳолда жамият аъзоларининг маънавиятларини юксалтириб, уларда ватанпарварлик, миллий ифтихор, миллатпарвар туйғусини иймон ва эътиқод даражасига кўтариб беради.

У ҳар бир миллатнинг тили, миллий мероси, қадриятлари ва урф-одатларига ҳурмат билан қараш, уларнинг миллат ижтимоий-маънавий камолотини муҳим омили деб билишни шакллантириш вазифаларини ҳам билади. Миллий ғоя элим, юртим деб куйиниб яшайдиган фидойи инсонларни вояга етказиш омилларидан бири ҳамдир.

Миллий ғоя ҳар бир фуқарони иймонли, инсофли, ҳалол, меҳнатсевар, меҳр-мурувватли рахм-шафқатли, адолатпарвар, ахлоқли, одобли бўлиши, маънавий камолотни ҳал қилувчи омили деб билади.

Миллий ғоя миллатни улуғлашни қадрлашни миллат манфаати йўлида фидоий бўлишни инсонийлик бурчи эканлигини ҳар бир фуқарони онги ва қалбига сингдириб боради.

Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириш йўлидаги ўз вазифаларини бажариб бориши ва уни янада кучайтириш тарихий заруриятдир.

# II БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ, ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР

## 2.1. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг ташкил этилиши сабаблари ва Марказнинг вазифалари.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин чуқур иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, айниқса, маънавий соҳада, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида бениҳоят кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш, унинг имконият доирасини янада кенгайтириш борасида жуда катта ишлар қилинди. Бундай имкониятлардан фойдаланиб қолмоқчи бўлган айрим кимсалар ўзларини дин пешволари ҳисоблаб, инсонларни, айниқса, ёшларни ўз ортларидан эргаштиришга ҳаракат қилдилар. Бундай диний оқимларга мисол қилиб, “Жиҳодчилар”, “Акромий”лар, “Нур”чилар, “Салафийлар” кабиларни олишимиз мумкин.

Диний оқим эгалари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрнини ҳисобга олиб, улар диний оқимлар Ўзбекистонда ривожлантирилса, бунинг

таъсири тезда Марказий Осиёга ёйилишига умид қиладилар. Чунки диний алломаларнинг кўпчилиги айнан Мовароуннаҳрдан етишиб чиққанлиги, бу ернинг халқи миллий характери жиҳатидан соддалиги, ишонувчан ва бағрикенг бўлганлиги сабабли, уларга таъсир ўтказиш осонроқ эканлигини пайқадилар. Шунинг учун ҳам улар динни ниқ қилиб ёшларнинг мафкуравий иммунитетини сусайтириб, уларга давлатимизнинг демократик сиёсати тамойилларини қоралаб, давлат ва халқ ўртасида зиддият келтириб чиқаришга умид қиладилар. Масалан, шундай оқимлардан бири “Акромийлар”дир.

“Акромий”лар ўзларининг асл мақсадларини 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатларида яққол намоён этди. Ушбу воқеалардан сўнг, қўпорувчилик ҳаракатларини содир этган оқим аъзоларининг 450 нафардан ортиқ қисми жиноий жавобгарликка тортилишидан хавфсираб, қўшни Қирғизистон Республикасига, у ердан БМТнинг Қочоқлар ишлари олий коммиссариати имконияти орқали “қочоқлик мақоми”ни олган ҳолда хорижий давлатларга чиқиб кетганлар. Ҳозирги кунда улар АҚШ, Канада, Австралия, Голландия, Финландия, Чехия, Германия, Швеция, Швейцария ва Дания давлатларида паноҳ топганлар.

1990 йиллар бошларида “Нур”чиларнинг турли турк фирмалари, тадбиркорлари, милиий ва ўқув марказлари Ўзбекистонга кириб кела бошлаган. Жумладан, Туркияга ўқишга бориб, қайтариб келтирилган ёшлар “таъсир доираси”га тушиб қолганлари, шунингдек, юртимизда турк лицейи ўқитувчи-эмиссарларининг фаолияти натижасида юзага келган. Мавжуд маълумотларга кўра ушбу лицейлар ўқитувчиларини асосий қисмини Туркия Қуролли кучлар сафида муқаддам хизмат қилиб, диний экстремистик оқим ғоялари таъсирига тушган шахслар ташкил этган. Ўзбекистонда турк эмиссарларининг фаолиятлари Қарши, Навоий, Нукус, Самарқанд, Тошкент ва Урганч шаҳарларида амалга оширилган. Асосан турк лицейларининг

очилиши улардаги даражасининг юқорилиги билан халқ орасида анчагина эътибор топади. "Нур"чиларнинг режасига кўра, 10-15 йиллардан сўнг мазкур лицейнинг битирувчилари ўз мамлакатларида йирик сиёсий арбоблар ва тижоратчилар бўлиб етишар эдилар.

1989-1992 йилларда Наманган вилоятида турли сиёсий чиқишлар авж олди. Бунга Конституциямиз талабларига зид ҳолда тузилган, диний оқимларнинг ғараз ниятларига хизмат қилган "Адолат", "Ислом лашкарлари", "Тавба" ҳаракати ва бошқалар сабаб бўлди. Ушбу оқимларга аъзо бўлган фуқаролар Ўзбекистонда Ислом давлати тузишга чақириқлари, хокимиятни қўлга олишга интилиб қилган ҳаракатлари билан оддий халқнинг тинчини буздилар. Қонунга ҳилоф равишда ташкил топган диний йўналишлардаги оқимлар тоат-ибодат билан шуғулланиш ўрнига, ўзларининг моддий таъминотларини яхшилаш мақсадида, фуқаролардан, ташкилотлардан очиқдан-очиқ маблағ талаб қилиб олиб, улардан ўз сафларини кенгайтириш ва қурол-яроғ билан таъминлаш учун фойдаланганлар. Улар талаб қилган маблағни беришдан бош тортганларни азоблаб, уриб, қийнаб, турли даражадаги тан жароҳати етказганлар. Айримларини эса қийнаб ўлдириш даражасига етганлар.

1999 йил 16 феврал куни пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган террористик ҳаракатлар ҳам юқорида санаб ўтилган оқимларнинг амалга оширган ишларидан намуналар эди. Бундай воқеаларга бундан ҳам кўпроқ мисоллар келтиришимиз мумкин. Хуллас, мана шундай ёт ғоя ва оқимлар ортидан ёшларнинг эргашишларини олдини олишимиз лозим эди.

Улардан ташқари мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшлар қалби ва онгини турли зарарли одатлар ҳам эгаллай бошлади.

Зарарли одатлар – шахс ёки бутун бир миллат, жамиятга тегишли, маънавий, маданий, моддий ўзаро муносабатлар, дунёқараш ва ҳоказолардан назаридан ғайриинсоний ва ғайриодатий деб билинадиган хусусиятларни

ифодаловчи тушунча. Улар инсоннинг маънавият талабларини яхши англамагани, маънавий тамойилларга риоя қилмагани, нотўғри тарбиялангани оқибатида келиб чиқади[17].

Зарарли одатлар шаклланишига турли омиллар сабаб бўлади. Аммо унинг юзага чиқишида шахс ёки фуқаронинг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-руҳий хусусиятлари муҳим ўрин тутади. Зарарли одатлар шаклланишига олиб келувчи омиллардан бири бу ғоявий бўшлиқ ҳолатининг юзага келишидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, қаердаки ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, албатта уни тўлдирувчи янги кучлар топилади. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи зарарли одатлар кириб келишига йўл очилади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, мансабпарастлик, мааманлик, диний экстремизм ва фундаментализм аъзоси бўлиш,халқаро терроризмни ёқлаш, космополитизм, наркобизнес, эгоцентризм,“оммавий маданият”, бефарқлик, лоқайдлик, жоҳиллик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик, ўғрилик, қонунларга риоя этмаслик ва бошқа шу каби салбий иллатларни зарарли одатлар қаторига киритиш мумкин. Бундай одатлар эса ижтимоий таъсир қилиш қамровига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний бўлиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистонда ёшлар онгини ана шундай зарарли одатлар эгалламаслиги учун, бундай мудҳишликларнинг олдини олиш учун қандайдир ташкилот, марказлар зарур эди. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида Ўзбекистонда Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил этилди. Шу йили 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш

---

[17]Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғофур Ғулом нашр., 2009 йил. 172-бет.

тўғрисида”ги Қарори чиқди ва унда Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборатлиги белгилаб қўйилди:

– социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқариш;

– жамиятдаги соғлом кучлар – юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

– миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт илдизлари муштараклигини тарғиб қилиш;

– маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва тарғиб қилиш;

– жаҳоний, умумбашарий бойликларга эга бўлиш мақсадида мамлакатдаги ва дунёдаги хилма-хил мафкура, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқарашни ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш;

– жамоат бирлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига кўмаклашиш;

– маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар, анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш.

1996 йил 9 сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони, 1998

йил 24 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1999 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони чиқди[18].

Ниҳоят, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 451-сон Қарори қабул қилиниб, унга кўра Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ва ривожлантиришга оид қарорларининг илмий-назарий ва услубий йўналишларини амалга оширувчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланиш билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир.

Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди:

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ва ривожлантиришга оид қарорларининг илмий-назарий ва услубий йўналишларини амалга оширувчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланиш билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир.

[18] www.lex.uz

Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, мафкуравий жараёнларни илмий-назарий таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг хусусиятларини, устивор йўналишларини аниқлаш, ушбу жараёнларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимига зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш.

Халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш.

Фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш.

Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларини ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш.

Ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий-изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари –“Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш[19].

---

[19]www.lex.uz

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш ҳам Марказнинг асосий вазифаларидан биридир.

Эътибор берилса, йилдан йилга маънавият йўналишидаги ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари кучайтириб борилмоқда. Мисол учун, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 451-сон Қарорида кўрсатилган *“халқимизнинг диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш”, “ёшларни турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш”* вазифалари 1994 йил 23 апрелда ташкил этилганРеспублика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг вазифалари қаторида мавжуд эмасди. Бу вазифа ҳаётда рўй

берган воқеалардан хулоса қилган ҳолда маънавият йўналишидаги ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари қаторига киритилди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Миллий ғоя ва мафкурани умуммиллат мафкурасига – ғоявий, руҳий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш борасидаги фаолиятининг асосий йўналишлари деб қуйидагилар белгиланган:

- жамият, халқлар ва давлатлар тарихида миллий ғоя ҳамдамафкуранинг ўрни ва роли;
- Ўзбекистон ҳудудидаги илк цивилизациялардан бошлаб миллий мафкура ҳамда ўзбек давлатчилиги асослари тарихи;
- мафкуранинг миллий, умуминсоний, фалсафий, табиий-илмий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, социологик, педагогик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, психологик асослари, ўзбек халқи урф-одатлари, анъаналари ва интеллектуал қадриятларининг уни шакллантиришга таъсири;
- Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг асарлари, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ғоят катта илмий ва маданий ҳиссаси;
- Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, мустақил давлатнинг тикланиши ва демократик жамиятнинг шаклланиши;
- Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг мавзулари бўйича, илмий, илмий-оммабоп нашрлар, барча таълим турлари учун дарсликлар, ўқув дастурлари ва қўлланмалари юзасидан таҳлилий маълумотлар ҳамда тавсиялар тайёрлаш.
- Миллий ўзлигини англаш орқали юксалиш йўлини босиб ўтган ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда, миллий ғояни халқ онгига сингдириш усулларини ишлаб чиқиш
- Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати борасида эришаётган ютуқларини, бу ютуқларнинг аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш орқали аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини камол топтириш.

- Жамият ривожига тўсқинлик қиладиган турли иллатларга қарши қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг илмий-назарий йўналишларини яратиш.
- Жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастликнинг барча кўринишларига, юртнинг тинчлиги, осойишталигига рахна соладиган, ватандошларимизнинг иймон эътиқоди ва ишончига путур етказадиган бузғунчи ғоя ва назарияларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни яратиш, миллий юксалишимизга тўсиқ бўлаётган иллатлардан фориғ қилишга қаратилган мафкуравий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.
- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини миллий ғоя ва миллий мафкура билан уйғун ҳолда турмушга тадбиқ этишга кўмаклашиш.
- Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун дунё миқёсида кечаётган мафкуравий кураш жараёнини ўрганиш ва унинг мониторингини олиб бориш, бу курашнинг глобал ва минтақавий оқибатларини очиб бериш.
- Глобаллашув даврида миллий ғоя ва мафкурани англаб етиш жараёнида учрайдиган муаммоларни аниқлаш, уларни ечиш йўлларини белгилаш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг миллий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасида эришган ютуқларини тарғиб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш.
- Ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини, ислом динининг миллий қадриятлар билан бойишини тадқиқ этиш. Ислом динининг жамият ҳаётидаги ўрнини тадқиқ этиш.
- Миллий ғоя асосида мамлакатда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўзига хос жиҳатлари ва муштарак мақсадларини ҳисобга олган ҳолда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг мазмун-шакл ва услубларини ишлаб чиқиш ва Республика Маънавият ва маърифат кенгашига тақдим этиш.

- ➢ Жамиятда ватанпарварлик, халқпарварлик ва миллий мерос ва қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш орқали ватаннинг жасур ва фидойи ҳимоячиларини вояга етказиш борасида амалий усул-услубларни ишлаб чиқиш.

- ➢ Оилалардаги маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёш авлодни мустақил Ватаннинг муносиб фуқаролари этиб тарбиялашга қаратилган китоб ва рисолалар нашр қилиш, амалий тавсиялар тайёрлаш.

- ➢ Ўзбекистоннинг маънавий қадриятлари ва маданият соҳасида эришган ютуқлари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғи орқали тарқатиш, тарғиб қилиш.

- ➢ Амалга оширилган илмий тадқиқотлар мониторинг натижаларини марказий нашрлар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, миллий ғоя ва мафкура йўналишида тайёрланган китоб, монография, рисола ва услубий тавсияларни давлат бюджети, илмий грантлар, ҳомийлик ёрдамлари асосида мунтазам чоп этиш.

- ➢ Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги адабиётларни танлаш ва нашрга тавсия этиш бўйича белгиланган тартибда хулосалар бериш.

- ➢ Мамлакатимиздаги барча вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, хўжалик субъектлари маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари учун хўжалик ҳисобида ғоявий-мафкуравий ўқувлар ташкил этиш.

- ➢ Республика Маънавият ва маърифат кенгаши муассислигида фаолият юритаётган “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Олтин мерос” жамғармаси, “Маънавият” нашриётининг миллий ғоя тарғиботи йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

- ➢ Жамият, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва миллий мафкурага таянган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсон ҳуқук ва эркинликларини улуғлашга, жисмонан соғлом, ақлан етук, дунёқараши кенг

ва мустақил фикрловчи, ижтимоий фаол фуқароларни камол топтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

- Таълим-тарбия муассасалари, аҳоли турар-жойлари, ишлаб-чиқариш соҳаларида маьнавий тарғибот ишларининг аҳволини, омманинг кайфият ва интилишларини ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсирини таҳлил этиш ҳамда бартараф этишнинг мафкуравий йўллари ҳақида илмий асосланган тавсиялар бериш.

- Ижтимоий-гуманитар фанларнинг пешқадам олимларидан иборат илмий-методик кенгашлар, семинарлар ташкил этиш, уларда маънавият, мафкура, таълим-тарбияга оид чоп этиладиган илмий ишлар, рисолалар, диссертациялар, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар муҳокамасини ўтказиш.

- Мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларининг мафкуравий хариталарини ишлаб чиқиш ва улар асосида илмий-амалий тавсиялар бериш.

## 2.2. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда унинг мамлакат маънавий юксалишидаги ўрни

“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас”[20]. Дарҳақиқат, бугун биз ахборот асрида яшар эканмиз, , ёшларимизни кириб келаётган турли хил ахборотлар таъсирига берилишидан эҳтиёт бўлишимиз, бизга ёт ва зарарли ахборот хуружлдаридан ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришимиз зарур бўлади.

---

[20] И.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият” нашр., 2008. – 112-бет.

XX1 асрнинг муҳим хусусиятларидан бири – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайганлигидир. Қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олишлар ўрнига энди тобора кўпроқ мафкуравий воситалар ва маънавий қуроллар ишлатилмоқда. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга уринишлар мафкура майдонида юз бермоқда. Бошқа ҳудуд ва ҳалқларни ўзига қарам қилиш учун энди очиқ кўриш ва сезиш қийин бўлган усул ва воситалар, хусусан маънавий бузғунчилик услублари қўлланилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов, XX аср охири – XXI аср бошида мафкура полигонлари ядро полигонларига қараганда кўпроқ кучга эга бўлиб бораётганлигини кўп бора таъкидлайдилар. Маънавиятсизлик «касали», ахлоқсизлик «эпидемияси» ҳар қандай бактериологик қуролга қараганда кўпроқ «руҳий вайроналик» келтириши ҳақида неча бор огоҳлантирадилар.

Ўзининг фалсафаси, ўз меъёр ва мезонларини «жаҳон стандарти» даражасига кўтариб, бошқаларга зўрлаб сингдиришга уринишлар айрим хорижий давлатлар ва сиёсий кучлар ҳатти-ҳаракатида яққол намоён бўлиб бормоқда.

Ғоялар тарихини ўрганиш, шунингдек жаҳоннинг бугунги кундаги мафкуравий манзарасини таҳлил қилиш ҳам ғоялар кураши ва мафкуралар рақобати узлуксиз, мунтазам давом этишини, уларнинг бари инсон онги ва онг ости қатламларига, унинг қалби ва руҳига йўл излашини, бу курашда одамларнинг маънавий ҳаётини эгаллаган мафкура ғолиб келишини тасдиқламоқда. Демак, геосиёсатда у ёки бу кучнинг қўли устун келиши тобора мафкура ва маънавият соҳасига боғлиқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун улар маънавий таназзул ва қашшоқликни ёйиш усулидан фойдаланишни кўзлайдилар. Ғоявий-маънавий рақибларимиз томонидан ахлоқсизлик – шахс эркинлиги деб, бехаёлик – демократия тантанаси деб тарғиб этилади. Ўзлигини, ўз маънавияти ва миллий ғururини сақлаб қолишга бўлган интилишлар мухолифлар томонидан эскиликка ёпишиш, озодликни бўғиш, демократия тақчиллиги деб талқин қилинади. Шундай

экан, «маънавий таҳдид» тушунчаси мавҳум, ўйлаб топилган хавф-хатарни эмас, реал ижтимоий ҳодисани ифодалайди, дейишга тўлиқ асос бор. Уларга қарши туришда дастурул амалимиз бўлмоғи лозим эди. Биз уни топганмиз. Бу – бизнинг миллий ғоямиз.

Миллий ғоя – бизнинг ғоя. У ҳар биримизга келажакка ишонч, мадад, куч-ғайрат беради. Бизларни бунёдкор ишларга, Ватан, Миллат, Мустақиллик ҳимояси йўлида бирлаштиради, сафарбар қилади. У Ўзбекистон халқини Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга элтувчи ҳаётий дастуримиздир. Айни шу фикрни барчамизнинг эътиқодимизга айлантириш, келажагимиз бўлган ёшлар онгига сингдириш энг муқаддас, шарафли бурчимиздир. Бу ишни мамлакатда тўлақонли равишда амалга ошириш асосан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига юкланади.

Хўш, Марказ томонидан бугунги кунга қадар бу борада қандай ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда?

Юқорида биз Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг ташкил қилинишига сабаб бўлган омиллар ва унинг олдига қўйилган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдик. Энди Марказ томонидан амалга ошириб келинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Ушбу Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли қарори ҳамда Низомидан келиб чиққан ҳолда ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради. Унинг низомида “1.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Дастури, Низоми ва ушбу Низом асосида иш олиб боради”[21] дея белгиланган. Шу маънода, Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, асарлари, нутқ ва маърузалари ҳамда давлат дастурлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, Республика Маънавият ва

[21]“Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Низоми”дан.

маърифат кенгаши йиғилишлари қарорларида қайд этилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида  изчил фаолият олиб боради. Республикамиз давлат идоралари, таълим масканлари томонидан ғоявий ва мафкуравий таҳлил учун берилган материалларни ўрганиб, тавсиялар бериб боради.

Марказ томонидан даврий нашрларда мунтазам мақолалар бериб борилади. Фаолият бошлангандан бери Марказ томонидан мафкура, миллий ғоя, маънавият, миллий-маънавий қадриятлар, макуравий таҳдидлар ва маънавиятга қаратилган хуружларнинг олдини олиш билан боғлиқ 500 дан ортиқ мақолалар оммавий ахборот воситаларида чоп этилди ва чиқишлар қилинди.

Ҳар йили Марказ томнидан давлат дастурлари ҳамда 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорлари ижроси вазирлик, идора раҳбар ва ўринбосарлари, олий ўқув юртлари ректорларидан иборат ишчи гуруҳи ёрдамида Қорақалпоғитон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларининг ҳар бир шаҳар, туман ва йирик корхона, ташкилотларида ўрганиб борилади. Ўрганиш натижалари маҳаллий ҳокимликларга аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишлари учун тақдим этиб борилади.

Шунингдек, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклифларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, оммалаштириш юзасидан тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари ўрганилиб, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-амалий тавсиялар тайёрлаган ҳолда тегишли муассасаларга етказиб берилмоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотларида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган юздан ортиқ мавзуларда минглаб семинар, давра суҳбатлари, машғулотлар ташкил этилди. Тадбирларда ҳар йили юз минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сонли қарорига мувофиқ, Марказ штат бирлиги 9 нафар ходимдан иборат этиб белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилдаги 453-сонли, 2009 йилдаги Ф-3304-сонли фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилдаги 694-сонли фармойишлари асосида штатлар сони 2 тага қисқартирилган. Ҳозирда ташкилотда техник ходимлар билан бирга жами 12 нафар ходим ишлаб келмоқда. Ходимларнинг 2 нафари ўриндошлик асосида фаолият юритади. Маълумоти жиҳатидан 10 нафари олий маълумотли, фақат 2 нафари ўрта-махсус маълумотга эга. Асосий ходимларнинг (7 нафар) 4 нафари илмий даража ва унвонга (1-фан номзоди, 1-фан номзоди доцент, 1-фан доктори, профессор, 1-профессор) эга бўлиб, мутахассислиги бўйича асосий ходимларнинг 3 нафари педагог, 1 нафари фалсафашунос, 1 нафари ҳуқуқшунос, 1 журналист ва 1 нафари тилшуносдан иборат. Маркази педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуроновга Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-фалсафа йўналиши бўйича профессорлик унвони берилган.

***Диаграмма №1***




Марказнинг илмий-тадқиқот ишлари, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги китоб, рисола, дастур, қўлланма ва бошқа матбаа маҳсулотларини нашр этиш учун давлат бюджетидан ҳар йили маблағ ажратилади. Ушбу маблағлар ҳисобидан “Маънавий луғат”, “Мустаҳкам оила – мустаҳкам жамият пойдевори” плакати, “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!”,

“Шиорнинг моҳияти нимада”, “Мустаҳкам оила маънавияти”, “Олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар тизимининг ижтимоий педагогик асослари”, “Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-маънавий асослари” каби 100дан ортиқ рисолалар чоп этиб келинмоқда.

Марказнинг 2013 йил иш режаси 22 банддан иборат бўлиб, унда асосий эътибор турли мавзуларда тадбирлар ташкил этиш, тарғибот ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган. Жумладан, режанинг 6 та банди тадбирлар ўтказиш, 5 та банди тарғибот материаллари тайёрлаш, 3 таси тарғибот-ташвиқот ишлари, 2 та банди ўрганиш, 2 таси таҳлилий материал, 2 та банди мақола ва 1 та банди ўқув ташкил этиш, 1 та банди Вазирлар Маҳкамасининг дастурлари, ҳамкорлик режалари асосида ишлашдан иборат этиб белгиланган.[22]

***Диаграмма №2***

**2013 йил иш режаси йўналишлар бўйича тақсимоти**




Ташкилот 2013 йил давомида асосий эътиборни турли тадбирларда иштирок этишга, жумладан, ўқув қўлланмалар, китоб, турли режа, дастур, низомларга таклиф ва тавсиялар бериш, мақолалар чоп этиш каби вазифаларга қаратган.

---

[22] “Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси”дан.

Жумладан, ҳисобот йилида Марказ ходимлари 46 та тадбирларда иштирок этган (“давра суҳбати”, конференция, семинар); ўқув қўлланмалар, китоб, турли режа, дастур, низомлар учун жами 29 та таклиф ва тавсиялар берилган (10 та режа, дастур, низомларга, 7 та китоб, ўқув қўлланмаларга, қолган 12 таси бошқа йўналишларда);  28 та мақола чоп этилган (3 та интернет сайтда); 18 та тадбир ташкил этилган;  9 та ўрганишлар амалга оширилган; 4 марта ОАВларига интервью берилган ва 2 та ўқув ўтказилган.

***Диаграмма №3***




Ёшлар қалбида турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида, Марказ томонидан қатор слайдли тақдимотлар тайёрланган. Жумладан, “Динлараро бағрикенглик – муваффақиятларимиз гарови”, “Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларнинг кўринишлари”, “Қарши тарғиботнинг замонавий технологиялари”, “Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг қонуний асослари”, “Маҳалла маслаҳатчилари учун “10 саволга 10 жавоб”, “Миллий ғоя бўйича мультимедияли мастер класслар (“CASE STUDY” методи асосида)” каби слайдлар шулар жумласидандир.

2013 йил давомида “Маънавият” нашриётида 8 хил номдаги (жами 60 мингдан ортиқ) китоб, рисола ва плакатлар чоп этиш йўлга қўйилган.

Марказ томонидан олиб борилган ўрганишлар ва тадбирлар натижалари, 2013 йил 15 ноябрда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 339-сонли йиғилиши баёни билан “Республика ва ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ролини кучайтириш чора-тадбирлари Дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ҳозирда ушбу Дастур Республика бўйича ижро учун қабул қилиниб, амалга ошириб келинмоқда.

Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сонли қарори ва Низомда белгиланган устувор йўналишлар ижроси юзасидан ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилган. Бу ҳолатни Марказнинг 2013 йил давомида амалга оширган фаолияти ҳақидаги маълумотларда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, 9 та ўрганишлар амалга оширилган. Шундан 2 та ўрганиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат Божхона қўмитаси тизимида, Сирдарё, Наманган, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ масалалар бўйича олиб борилган; 1 та ўрганиш FM радиоларида берилаётган маълумотларнинг ғоявий ва маънавий жиҳатларини ўрганиш масаласи. Ушбу ўрганишлар давомида социологик тадқиқотлар ҳам олиб борилган бўлиб, турли соҳа вакиллари (тиббиёт ходими, педагог, божхона ходимлари) ва талаба ёшлар билан жами 3 минга яқин аҳоли вакиллари иштирокида интервью усули асосида савол-жавоблар ўтказилган.

***<u>Маълумот учун:</u>***

2 та ўрганиш миллий ғоя ва мафкура билан боғлиқ масалалар бўйича олиб борилган: 1-ўрганиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида; 2-ўрганиш Давлат божхона қўмитаси тизимида, Сирдарё, Наманган вилоятларида.

2 та ўрганиш “Мустаҳкам оила йили” давлат дастурининг ижроси юзасидан: 1-ўрганиш Фарғона вилоятида; 2-ўрганиш Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, “Камолот” ЁИҲ, “Маҳалла” жамоат фондида.

2 та ўрганиш услубий ишланмалар, маҳаллий ва хорижий адабиётларни инвентаризациядан ўтказиш бўйича: 1-ўрганиш Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро марказининг ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини инвентаризациядан ўтказиш; 2-ўрганиш Республикадаги барча таълим муассасалари ахборот ресурс марказлари фондида сақланаётган ўқув, илмий, бадиий ва хорижий адабиётлар инвентаризация ва экспертизаси борасида.

1 та ўрганиш Вазирлар Маҳкамасининг 34-сонли баёни 15-банди ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган роликларни ўрганишга.

1 та ўрганиш Чирчиқ шаҳрида ўтказилган “Мустаҳкам оила – маҳалла таянчи” мавзусидаги республика конференцияси материалларини ўрганишга бағишланган.

1та ўрганиш FM радиоларида берилаётган маълумотларнинг ғоявий ва маънавий жиҳатдан амалга оширилган.

Миллий ғоя ва мафкура билан боғлиқ долзарб масалаларнинг устувор йўналишларни аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганишда, ҳудудларда аҳолининг, айниқса ёшлар ўртасида миллий ғояни ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун миллий ғоя тарғиботининг самарадорлигини аниқлашда алоҳида мезонлар (критерий) ишлаб чиқилган.

Ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши тура оладиган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсон этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш доирасида кўп ишлар йўлга қўйилган.Марказнинг 2013 йил фаолиятида тайёрланган 29 та таклиф ва тавсияларнинг 10 таси режа, дастур ва низомларга, 7 таси китоб, ўқув қўлланмаларга тақризлар бериш, қолган 12 таси бошқа йўналишларда ишлаб

чиқилган таклифлардан иборат.[23] Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси томонидан чоп этилган тавсиянома шаклидаги китобчага, “Маҳаллаларда маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, оила ва маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш” чора-тадбирлар режасига, “Тўй-ҳашам, маросимларни ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликларсиз ўтказишга қаратилган 2013 йилда амалга ошириладиган тарғибот-ташвиқот тадбирлари Дастури” лойиҳасига, “Аудио-видео маҳсулотларга, матбаа материалларига ва компьютер ўйинларига қўйиладиган маънавий-ахлоқий мезонлар” юзасидан берилган таклиф ва тавсиялар шулар жумласидандир.

Ҳозирда мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида турли нодавлат, чет эл ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларда тарқатилаётган тарқатма материаллар, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда ёшлар маънавиятига зид ташкил этилаётган турли гуруҳлар фаолиятини ўрганиш ва улар юзасидан таклиф, тавсиялар тайёрлаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада йил давомида фақат 1 та ўрганиш Германиянинг халқаро ҳамкорлиги бўйича ваколатхонаси GIZ томонидан тайёрланган “Саломатлигинг тоза қўлларингда” мавзусида тайёрланган видеороликка тақриз тайёрланган ва Хотин-қизлар қўмитасига тақдим этилган.

Хорижда ғоя ва мафкурага оид илмий қарашлар, янги ғоявий оқимларнинг ва “оммавий маданият”нинг салбий кўринишлари келиб чиқиши, уларни тарғиб этиш, оммавийлаштириш ва ёшларга сингдириш усулларини, илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича таҳлилий ҳужжатлар, докладлар, экспертлар фикри (баҳоси), хориж тажрибаси бўйича алоҳида маълумотномалар тайёрланган. Асосан, соҳага оид муаммоли масалалар юзасидан мақолалар тайёрланиб, матбуотда чоп

[23]“Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан 2013 йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот”дан.

этилган. Жумладан, “Kitob dunyosi” газетасининг 2-сонида М.Қуроновнинг “Лудомания: ўт қаерга ўралайди?..”, ушбу номдаги газетанинг 3-сонида “Ниҳоллар аёзда қолмайди, биз уларнинг илдизи узилишига йўл қўймасак бўлди”, “Ислом зиёси” газетасининг 3(61)-сонида “Ўзликни англаш” номли, “Шарқ зиёси” газетасининг 16 августдаги сонида О.Мусурмонқуловнинг “Мустаҳкам оила – жамиятимиз негизи” номли мақоласи, 29 август куни Интернет тармоғининг ovoza.com номли сайтида О.Базаровнинг “Демократия “экспорт”и: такаллуф ортидаги таҳдид” номли мақолалари эълон қилинган.

Экспертларнинг фикрича, мақолалар аҳолини маънавий тажовузлардан огоҳ этиши жиҳатидан аҳамияти катта, лекин Марказ мақсад вазифаларидан келиб чиқиб мафкуравий хуружлар, ёт ғояларнинг аҳолига, айниқса ёшлар онгига кўрсатаётган таъсирини, илмий жиҳатдан ўрганиш, маънавий кураш жараёнида чет эл давлатлари томонидан қўлланаётган услуб ва усулларни, уларнинг механизмларини ўрганиш асосида таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашни йўлга қўйиш, миллий маънавиятимизни асрашнинг ўзига хос услубларини яратиш каби йўналишларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш юзасидан илмий-амалий дастурлар ишлаб чиқиш борасида Марказ асосий эътиборини “Оилам мустаҳкам бўлсин десангиз...”, “Соғлом маънавий муҳт кушандаси”, “Болам бахтли бўлсин десангиз...” номли китоб, маҳалла маслаҳатчилари учун 5 босма табоқдан иборат мастер класс тақдимоти, “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” номли қўлланмалар тайёрлашга ва уларни турли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий маънавият ва маърифат кенгашларига тақдим этишга қаратган.

Шунингдек, “Баркамол авлодни тарбиялашда паст савияли “оммавий маданият”нинг салбий таъсирини олдини олиш” мавзусидаги 2 босма табоқдан иборат тарғибот материаллари тайёрланиб, Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигига тақдим этилган ва “Миллий ғоя тарғибот технологиялар ўқув услубий мажмуа” китоби нашр этилган.

Шу билан бирга, 2013 йил давомида айрим давлат ва нодавлат телерадиоканалларида берилаётган кўрсатув ва эшиттиришларнинг ёшлар маънавиятига кўрсатаётган салбий таъсирлари юзасидан ҳам ўрганишлар ўтказиб борилади.

Марказда 2013 йилнинг февраль ойида илмий услубий кенгаш ташкил этилган бўлиб, улар 15 нафар олимлардан иборат. Ушбу кенгаш асосан китоб, рисолаларни чоп этиш арафасида, муҳокама учун йиғилади.

Н.Саидаҳмедовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини ўқитиш бўйича технологиялар” номли китобида ушбу китобни ўқитишда “Бир таҳдидга беш зарба”, “Интеллектуаллар мусобақаси” каби методлар ва уларни амалга татбиқ этиш юзасидан маълумотлар берилган. Аммо, ушбу методларнинг қай даражада самара бериши ёки берганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Китоб фақат республиканинг барча ҳудудларига юборилган, унинг самарадорлиги ҳақида турли ҳудудларда ўқувлар давомида оғзаки ижобий фикрлар билдирилган.

2014 йилнинг март ойига қадар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан амалга оширилган йирик ишлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқ ва маърузалари (*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2013 йил 19 декабрда Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги, Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза,2014 йил 28 январь куни*

*Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида сўзланган нутқ*) мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган “Ўзбек модели”: юксалиш одимлари” мавзусида медиа тақдимот материаллари тайёрланиб, 20га яқин семинар-тренинглар ўтказилган.

“Соғлом бола йили” мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган 10 000 нусхада плакатлар мажмуи тайёрланган.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда “Болам бахтли бўлсин десангиз...” номли ўқув-тренинг ўтказиш йўлга йўлга қўйилган.

Эришилган ютуқлар, ислоҳотларнинг натижаларини ёритишга қаратилган 12та медиа тақдимот яратилиб, Республика Маънавият тарғибот марказига тақдим этилган.

“Болам бахтли бўлсин десангиз...”, “Ахборот асрида ёшларнинг дунёқараши”, “Путь развития Узбекистана”, “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришни услубий такомиллаштириш йўллари” номли ғоявий, маърифий китоблар чоп этилган.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда “Ватанга қасамёд – мардлик ва жасорат мадҳияси”, “Ахборот асрида ёшлар дунёқараши: назария ва амалиёт” мавзуларида илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, тўпламлари чоп этилган.

Марказ томонидан “Бир таҳдидга беш зарба” ва “Дунёнинг мафкуравий манзараси” номли мультимедиялар ишлаб чиқилган.

Халқ таълими вазирлиги тизими ҳамда Тошкент шаҳрида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўрганилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилган.

Хуллас, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази бугунги кунда дунё миқёсида глобаллашув жараёнларидан куч олиб кучайиб бораётган ахборот хуружлари даврида мамлакат учун жуда ҳам керакли бўлган ташкилот саналади. Бу марказ республикамиздаги барча ташкилот ва идораларга мафкура ва маънавий тарғибот масаласида тавсиялар бериб

бормоқда. Чунки Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарларида таъкидлаганларидек, “Бундай кенг кўламли ва ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда давлатимиз ва жамиятимиз ижтимоий фанлар соҳасида фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, турли ижтимоий марказлар, авваламбор, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ҳар томонлама асосланган чуқур таклиф ва тавсияларни кутишга тўла ҳақлидир”[24].

## 2.3. Бугунги ахборотлашган жамият ва унда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг олдида турган муаммолар

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бирорта йўналиши йўқки, у ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлмасин. Бу борада айниқса 1997 йилдан буён ҳар бир йилга алоҳида ном бериб келинаётгани, хусусан, 2008 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ёшлар йили”, 2010 йил – “Баркамол авлод йили”, 2012 йил – “Мустаҳкам оила йили”, 2014 йил – “Соғлом бола йили” деб номланиши ва ҳар қайси йил бўйича давлат дастурларининг қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги устувор тамойилларни амалга оширишда муҳим босқич бўлди. Бугунги ахборот асрида давлатимизнинг ёшларга оид давлат сиёсати ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад асосига қурилиши халқимизнинг фарзанд тарбиясидаги асрий орзу-интилишларининг ифодаси сифатида ғоят муҳим аҳамиятга эга.[25]

Жаҳон геосиёсатининг бугунги таҳлили шундан далолат берадики, тиғиз ахборотлашган жамият шароитида кучли рақобат юзага келмоқда, аҳоли,

---

[24] И.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият” нашр., 2008. – 126-бет.
[25] Д.Муитов. Ахборотлашган жамиятдан ёшлар дунёқараши. Т.: “Маънавият” нашр., 2013. – 8-бет.

айниқса ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ахборот асрида ёшлар дунёқарашини соғлом асосда шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини илмий асосда ўрганиб, зарур хулосалар, керакли услубий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда хориждаги айрим етакчи оммавий ахборот тармоқларида вайронкор ғояларни тарқатиш орқали ёшларга зўравонлик, шафқатсизлик, ҳаёсизлик каби нохуш ҳиссиётларни сингдириш каби салбий тенденциялар кучаймоқда.

Агар Афғонистон ва баъзи араб мамлакатларидаги қарама-қаршилик ва тўқнашувларнинг геосиёсий моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, улар ҳам аслида дунёдаги турли кучлар ўртасида ахборот курашининг кучайгани туфайли авж олаётганини кўрамиз. Бундан хулоса шуки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари ҳозирги вақтда ўзаро ғоят боғлиқ бўлиб бормоқда.

Мана, масалан, ғарб индивидуализми оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилиб, дунё ёшлари онги ва қалбида ўз асоратини қолдирмоқда. Юртимиз оммавий ахборот воситаларида ана шундай хавф-хатарлар, хусусан, «оммавий маданият»нинг зарари ҳақида кўплаб эълон қилинаётгани эътиборли, албатта. Уларнинг айримларида янгиликларни бир зумда ўзлаштириб, ахборотни тез қабул қиладиган ёшлар қатламига «деструктив культ», паратоталитар, неонацистик руҳдаги ғояларни сингдириш бўйича хорижда шаклланган зарарли тенденциялар атрофлича таҳлил этилган[26]. Масалан, 2012 йилда «Тотенхэм» (Англия) ҳамда «Лацио» (Италия) футбол жамоаларининг учрашувида футбол фанатлари тўқнашуви туфайли миллатчилик, антисемитизм ва ирқчилик ҳолатлари юз берган эди. Россия пойтахти Москва шаҳридаги Манежная майдонида эса футбол

---

[26] Қаранг.Ф.Х.Мухамеджанова. Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти. Тўплам. Ёшларни ахборот –психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари:назария ва амалиёт. Республика илмий–назарий конференция материаллари.Т.2012. 32 -бет

фанатларининг миллатчилиги оқибатида қонли фожиалар юз бериб (2010 йилининг декабри), ушбу давлатдаги миллатлараро муносабатларни жуда мураккаблаштирган эди.

Европада эса 2012 йилнинг сўнгги ойларида исломий қадриятларни, мусулмонларнинг диний ҳиссиётларини камситишга қаратилган фильм пайдо бўлди ва у турли қарама-қаршиликларни кучайтириб юборди, яна бир бор жаҳон ҳамжамиятида салбий ахборот тўлқини тўғрисидаги баҳс-мунозаралар авжига чиқди. Қадимда ҳарбийлар юриш қилиб қўйганидан сўнг дипломатия ўз имкониятини намойиш қилган бўлса, бугун мутлақо бошқа вазият – ҳар бир ахборот хуружи ва мафкуравий таҳдиддан кейин албатта катта сиёсат дунёси ўзига мослаб ўз сиёсатини ахборотлар оқими орқали ёйишга киришмоқда.

Айниқса, Миср, Сурия, Ливия, Афғонистон билан боғлиқ ахборот маконидаги геосиёсий рақобат ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги тадқиқотларни тезлаштириши керак. Чунки, бундай мураккаб шароитда баркамол авлодни тарбиялаш – барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланиш даражасига боғлиқ эканини яхши биламиз. Яъни, мазкур шароитда асосий иқтисодий, сиёсий, таълим-тарбия, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборот таҳдидларини бартараф этиш, ахборот тизимларига ноқонуний суқилиб киришларнинг олдини олиш учун қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши талаб этилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш худди шундай таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш механизмининг амалдаги ифодасидир.

Ҳозирги кунда Евроньюс паневропа телетармоғи, Ал-Жазира панараб медиакомплекси, бир қатор Россия телеканаллари тобора оммалашиб бормоқда. Тадқиқотларда мазкур минтақавий медиакомпанияларнинг оммалашувига таъсир ўтказган бир қатор хусусиятлар аниқландики, булар:

а) ахборотнинг эксклюзивлиги;

б) воқеа ва ҳодисаларга «шарқона», яъни илгаридан «ғарб фуқаролари»га нотаниш бўлган нигоҳнинг пайдо бўлиши;

в) тарқатилаётган ахборотнинг кўп тиллилиги, очиқлиги ва кенглиги билан боғлиқ ҳолда, ахборот таъсирининг кўламидан далолат беради.

Ижтимоий йўналтирилган ОАВ ҳамда Интернет тизимидаги ижтимоий тармоқлар ва блокларнинг жаҳон сиёсий жараёнларига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этаётир. Ахборот хуружлари ва мафкуравий экспансия иқтисодий блокада ҳамда ҳарбий куч ишлатиш таҳдиди билан бирга кўзга ташланмоқда. Кибермакондаги стихияли тарзда амалга оширилаётган блогерларнинг даҳанаки жанглари, ур-сурлари, киберҳужумлар омманинг сиёсий жипслашишига, баъзан эса содир этилаётган бундай жараёнларга жавоб тариқасида агрессив муносабат билдиришига сабаб бўлмоқда.[27]

Кўпинча ахборот хуружлари «ёш мустақил давлатларда демократиянинг йўқлиги», «инсон ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш» деган баҳона ва сохта гаплар билан амалга оширилмоқда. Кейинги вақтда минтақавий сиёсий-маданий, иқтисодий ҳамкорликни бутунлай парчалашга ва буни амалга ошириш учун унинг атрофидаги мамлакатлардан плацдарм сифатида фойдаланишга, қонуний сиёсий ҳокимият ўрнига, миллий бойликларини арзон-гаровга трансмиллий корпорацияларга беришга тайёр бўлган, ғарб идеалларини миллий қадриятлардан устун қўядиган кучларни ҳукумат тепасига чиқаришга қаратилган уринишларда турли ахборот технологиялари ишга солинмоқда.

Айтиш жоизки, Европа мамлакатларида интернет масаласи умумевропа қонунчилиги билан бир қаторда ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан бирга тартибга солиниш амалиёти мавжуд. Европа хавфсизлик кенгашида интернет муаммолари вақти-вақти билан муҳокама қилинмоқда. Масалан, Германияда 1997 йилдан ёшларга зарар келтириши мумкин бўлган материалларни текширувчи федерал бошқарма фаолият кўрсатмоқда. Унинг ваколатлари доирасига нобоп ва сотишга рухсат

---

[27]Ибрагимова Г.Р. Глобальное информационное пространство в условиях формирования нового мирового порядка. Автореферат на соискание кандидата политических наук. Ташкент- 2012, стр.14.

этилмаган маҳсулотларнинг (ОАВ, китоблар, видеофильмлар ва компьютер ўйинлари) рўйхатини тузиш ва мазкур йўналишда қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари киради. Ҳозирги Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар қонунчилигида ёшларнинг руҳияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган[28].

Лекин аксарият ҳолатларда иқтисодий танглик, ишсизлик ва қашшоқликка, коррупция каби муаммоларга барҳам берамиз, тараққий топган демократик Ғарб давлатлари кўмагида ривожланган мамлакатлар қаторига чиқамиз, деган ваъдалардан биронтаси ҳам бажарилмади. Аксинча, ушбу мамлакатлардаги муаммолар янада кескинлашди: аҳолининг кашшоқлиги, ишсизлик даражаси ортди, коррупция баттар авж олди, иктисодий ва сиёсий инқироз кучайди.

